

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИХТИСОСЛАШГАН
КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ:
ТАЖРИБАЛАР, НАТИЖАЛАР ВА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМ**

2020 ЙИЛ 9 НОЯБРЬ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИХТИСОСЛАШГАН
КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ТАЖРИБАЛАР,
НАТИЖАЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР
Республика илмий-амалий анжумани**

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

**Бухоро
«Дурдона» нашриёти
2020 й**

Қишлоқ хўжалигида ихтисослашган кластерларни шакллантириш: тажрибалар, натижалар ва инновацион ёндашувлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2020 йил 9 ноябрь: - Бухоро : “Sadridin Salim Buxoriy” Durdona нашриёти, 2020.-240 б.

Дастурий кўмита: и.ф.д.профессор О.Х. Хамидов, PhD, доц О.С. Қахҳоров, и.ф.д. профессор Б.Н. Наврўз-Зода, и.ф.д. Т.Х. Фармонов, и.ф.н., доц. М.А. Орипов, и.ф.н., доц., А.Т. Жўраев, и.ф.н., доц., С.У. Таджиева, и.ф.н., доц., Д.Ш. Явмутов, и.ф.н. доц., Х.И. Мўминов, и.ф.н. доц., М.М. Тоирова, и.ф.ф.д. А.Ж. Абдуллоев.

Ташкилий кўмита: PhD, доц О.С. Қахҳоров, и.ф.д. профессор Б.Н. Наврўз-Зода, и.ф.н., доц., А.Т. Жўраев, и.ф.ф.д. А.Ж. Абдуллоев, и.ф.ф.д. З.С. Нуров, катта ўқитувчи: С.С. Давлатов, ўқитувчи А.Д. Қудратов

“Қишлоқ хўжалигида ихтисослашган кластерларни шакллантириш: тажрибалар, натижалар ва инновацион ёндашувлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тўпламига етакчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар илмий тадқиқот ишлари доирасида илмий мақолалари ва маъруза тезислари киритилган. Мазкур анжуман қишлоқ хўжалигида кластерни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, Кластерлар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий асосларини такомиллаштириш, Кластер тизимида фермер хўжаликларини самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш йўллари аниқлаш мақсадида Бухоро давлат университетининг Иқтисодиёт ва туризм факультети “Иқтисодиёт” кафедрасида Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган ОТ-Ф1-04(08) -рақамли “Кооперация ва интеграция муносабатлари асосида фермер хўжаликларида рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришнинг мақбул моделларини ишлаб чиқиш” амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида ташкил этилиб, анжуман материаллари тўпланиб нашр этилган.

Тўплам и.ф.д., профессор Б.Н. Нарўз-Зода умумий таҳрири остида чоп этилди.

Тўплам Бухоро давлат университети илмий-техникавий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

Такризчилар:

1. Азимов Б – Бухоро муҳандислик технология институти доценти, и.ф.н.
2. Хўжақулов Х.Д. – Тошкент молия институти профессори, и.ф.д.

Мазкур тўпламга киритилган илмий ишлар ва ғоялар мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг аниқлигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдирлар.

share was 73 percent of cotton crop. The average yield in such new formations was 4.1 centners more than in non-cluster lands, and an additional 428 thousand tons of cotton were harvested.

Tasks were set to determine the legal status of clusters, introduce transparent mechanisms for their selection and establish relationship with farmers.

Organizational work has been sharply criticized, including the fact that 27 clusters have been allocated more land for harvesting cotton than they can handle, and some others that have the capacity to harvest 500 thousand tons of cotton fiber have not been allocated enough land.

The President noted that while forming clusters, main criteria should be the planned level of deep processing of raw materials and amount of investment, sufficient funds for paying to farmers.

It was noted that cooperatives with participation of farmers will be formed in cotton fields that are not covered by clusters. Cotton gins will be transferred to farmers for organization of cooperation, and income from added value will be distributed among farmers who are members of the cooperation.

The Ministries of Agriculture and Justice have been tasked with specifically defining the responsibilities of clusters and farmers, and developing mechanisms for regulating their activities.

It was indicated that the current system of financing cotton harvesting is not fully applicable to clusters. In this regard, it was instructed to improve the system of financial support for clusters and farmers.

Measures for this year and for the future on canceling the state order and phase out the procedure for mandatory placement of crops until 2023 were discussed in detail.

In short, the way for our country to become one of the leading countries in the world is to develop a cluster system in agriculture, science, education and other areas.

“ТУРИЗМ - КЛАСТЕРИ”НИНГ ИЖОБИЙ ЖИҲАТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Х.И.Мўминов – БухДУ иқтисодиёт кафедраси доценти

Ҳ.Абдуллаева – БухДУ 2-босқич магистранти

Интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган “Кластер”лар яратишдир.

Кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа кохоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш,

сертификатлаштириш, ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш - инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жихат ҳам ўзини намоён этади.

“Кластер” атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекча таржимаси “боғлам”, “гурух”, “тўпланиш” маъноларини беради.

1980 йиллардан кейин “Кластер назарияси”нинг ривожланишида 3 та муҳим (Америка, Британия ва Скандинавия ва бошқа) илмий мактаблар ютуқларни кўришимиз мумкин.

Кўшимча қиймат ва кластерлар занжири уйғунлиги, минтакаларни ўқитиш концепциялари ҳам шу гурухдан ўрин олган.

“Кластер” назарияси эволюциясидан унинг икки фундаментал тавсифини ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчиси – кластерга уйғунлашган корхона ва фирмалар фаолияти аниқ бир хил турдаги товарлар бозори билан боғлиқ бўлиши зарур. Бундай боғлиқлик вертикал (харид ва сотиш занжири) ва горизантал (кўшимча бўлимлар ва хизматлар, шунга кетадиган махсус сарфлар, технологиялар ёки институтлар ва бошқа алоқалардан фойдаланиш).

Иккинчиси – кластерлар географик яқин жойлашган ўзаро боғлиқликдаги корхоналар гуруҳи бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий - ижтимоий муносабатларни барқарорлашиши натижасида рақобатбардошликнинг ривожланиши, кўпроқ кўшимча қийматни яратишга ва бозорда сотилишига имкониятлар яратишдир.

Саноат кластерлари, аввало, шу тармоқ ичидаги рақобатга маҳаллий ва жаҳон бозорларида бардош беради.

Шунинг учун, иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришда, айниқса, иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли даражада фойда бера олмаётган ҳозирги даврда, Кластер назариясини амалиётга татбиқ этиш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Кластерлаштиришни корхоналар инновацион фаолиятини тезлаштириш асосида рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг глобал рақобатнинг кучли таъсирига қарши туришдаги миллий ва минтақавий ривожланиш талабларига тўла жавоб берадиган янги иқтисодий тизим деб ҳам қараш мумкин.

Кластерларнинг шаклланишида давлатнинг роли муҳим ўрин тутаяди.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш

ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган.

Европа мамлакатлари ва АҚШда бу стратегия кенг қўлланилмоқда. Кластерлар Буюк Британия, Голландия, Германия, АҚШ, Дания, Франция, Италия, Финляндия, Ҳиндистонда яхши ривожланган. Дания, Финляндия, Швеция саноатини кластерлар тўла эгаллаган.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарҳақиқат нефть, газ, химия, биотехнология, фармация, информатика, автоқурилиш, транспорт логистика, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизимларини яратиш илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажминини кўпайтиради, сифатини яхшилайтиди, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади. Бундан ташқари, кластер тизимида таълим ва илмий-тадқиқот марказлари янги илмий - услубий ишланмаларни яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун кенг имкониятлар ва шароит пайдо бўлади.

Туристлик ҳудудларда кластер ташкил этилган ҳолда, туристлар оқимининг кўпайиши омиллари қўйидагилар бўлиб ҳисобланади:

– саёҳат иштиёқи, бу аҳолининг ўз яшаб турган манзилидан бошқа ҳудудларга туристик фаолиятни амалга оширишига ундайди;

– ахборот, бу омил аҳолининг туристик манзил ҳақида етарли маълумотга эга бўлишларида ифодаланади;

– нарх, бу туристлар харид қиладиган хизматлар баҳосининг даражаси;

– овқатланиш, бу туристик ҳудудларида овқатланиш шарт-шароити ҳамда овқатларнинг сифати;

– транспорт, бунда туристик манзил бўйлаб транспорт хизматининг ташкил қилинганлиги, сафарни транспортда ўтказиш вақти;

– меҳмонхона, бу туристларнинг туристик ҳудудида жойлашуви, меҳмонхоналарда дам олиш шароитларининг қулайлиги билан ифодаланади.

istiqbollari	220
Н.Б.Гиязова, М.М.Таирова, Г.Г.Бобоева Кластерный подход в стратегии инновационного развития сельского хозяйства	223
D.Narziyeva. Ways and prospects for improving the development of clusters in Uzbekistan	226
Х.И.Мўминов, Ҳ.Абдуллаева “Туризм - кластери”нинг ижобий жихатларидан фойдаланиш	229

Муҳаррир: *Ғ.Муродов*
Техник муҳаррир: *Г.Самиева*
Мусахҳиҳ: *А.Қаландаров*
Саҳифаловчи: *М.Ортиқова*

Нашриёт лицензияси АИ № 178. 08.12.2010. Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди: 07.11.2020. Бичими 60x84. Кегли 14 шпонли. «Times New Roman» гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет босма қоғози. Босма тобоғи 13,2. Адади 50. Буюртма №175.

Бухоро вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси
“Дурдона” нашриёти: Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй. Тел.: 0(365) 221-26-45